



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Айтган  
фиқрингизга  
одамларнинг  
муносабатини  
билишга интилинг.  
Акс ҳолда меники  
тўғри, деган кибрга  
берилиб қоласиз.

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 13-may, payshanba, 57 (23.493)-son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашаётган қарияларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. **2021 йил 10 майдан бошлаб** 1941-1945 йиллардаги уруш ноғиронлари ва қатнашчилари, шуниқдек, фашистлар концлагерларининг воёга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамалари инobatга олган ҳолда – **2,5 миллион сўм этиб белгилансин.**

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги маффаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 11 май

Самарқанд вилояти ҳокимининг  
ҚАРОИ

## ВИЛОЯТ ҲОКИМИНИНГ 2021 ЙИЛ 8 МАЙДАГИ “ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎТТИЗ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ 88-Қ-СОНЛИ ҚАРОРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганини инobatга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан, **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-6122-сон Фармонига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганини маълумот учун қабул қилинсин.

2. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг **2021 йил 14 май кунли чакрилган олтинчи чакриқ ўттиз биринчи сессияси 2021 йил 19 май кунли соат 9:00 да ўтказилиши** белгилансин.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Вилоят ҳокими **Э.ТУРДИМОВ.**

2021 йил 11 май № 92-Қ-сон.

ИНДАЛЛОСНИ АЙТГАНДА...

**Муҳаммадjon ҚУРОНОВ,**  
педагогика фанлари доктори,  
профессор.



Инсоният АКТ технологиялар давридан конвергент технологиялар, яъни нано, био, ахборот-коммуникатив ва когнитив технологиялар даврига кириб борапти.

Бунинг қувончли томони – инсон ҳаёти, турмуши учун чексиз қулайликлар яратишида. Ташвишли томони – бугунги технологиялар ёвуз гоғларнинг амалга оширишга чексиз имкониятлар яратиб бериши мумкин. Энг муҳими, ана шу технология имкониятларидан нима мақсадда фойдаланишда. Эзгу мақсадига фаровонлик, тинчликка элтади.



## Муборак ойнинг фазилатли айёми

**Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, 2021 йил 13 май кунли юртимизда Рамазон ҳайити байрами кенг нишонланади. Эътиборлиси, ҳайит муносабати билан 14–15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари деб белгиланди ва бу юртдошларимизга байрамни нишонлаш, мароқли дам олишлари учун имкониятдир.**

Бу йил Рамазон ойи мамлакатимизда кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу муборак ой бошланишидан олдин Президентимиз томонидан “Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида” қарор қабул қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди. Коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият туфайли бу ойда амалга ошириладиган тадбирларни карантин қоидаларига риоя этган ҳолда адо этиш зарурлиги белгиланиб, бунинг учун керакли шарт-шароит яратилди. Жумладан, вилоятимиздаги 280 дан ортққ масжидда таровех намози ўқилди. 144 масжидда Қуръони қарим хатм қилинди. Бунинг учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси тавсияси билан самарқандлик ва юртимизнинг бошқа ҳудудларидан етук қорилар тақлиф этилди. Барча масжидларда хатмоналар ажунланиб, қориларимизга миннатдорлик билдирилди.

Ушбу кўтлуғ ойнинг дастлабки кунларида вилоятимизга Президентимизнинг ташири бу юриши ва Имом Бухорийи мажмуасини қайта қуриш ишларининг бошланиши ҳам Рамазоннинг фазилатли тадбирларидан бири бўлди. Давлатимиз раҳбари

қайд этганларидек, эндиликда бу муқаддас зиёратгоҳ буюк муҳаддис бобомизнинг Ислому оламида тутган ўрни ва юксак мақомига мос тарзда, маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун ҳар томонлама қулайликлар яратилган ҳолда қурилади. Шунингдек, мажмуа атрофида ҳам кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари режалаштирилган ва айни пайтда бу жараён қизғин давом этмоқда.

Яратилган беадад шукрларки, ана шундай эзгу амаллар, фазилатли ишлар билан Рамазон ҳайитини нишонлаёмиз. Байрам олдида, умуман, ой давомида имом-хатиблар, саховатпеша кишилар томонидан маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ноғиронлиги бўлган шахслар ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга мурувват ёрдамлари кўрсатилди. Бу хайрли юмушлар ҳайит кунлари ҳам давом этмоқда.

Рамазон ҳайити Ислому оламидаги икки муқаддас байрамнинг биридир. Ушбу кўтлуғ байрам барчамизга муборак бўлсин!

**Зайниддин ЭШОНҚУЛОВ,**  
вилоят бош имом-хатиби.

**Яқинда Каттакўрғон тумани Каттакўрпа маҳалласида бўлиб, ҳудуддаги ўзгаришларга, шу билан бирга, аҳолини қийнаб келаётган айрим муаммоларга гувоҳ бўлдик.**

### ► ОБОДЛИК ОСТАНАДАН БОШЛАНДИ

Маҳалла марказига кириб борар эканмиз, асфальтлашишга муҳтож йўлни ҳисобга олмас, янги бунёд этилган бинолар, таъмирланаётган иморатлар, тартибга келтирилаётган томорқалар аҳолисининг аҳиллиги, меҳнатсеварлиги, тадбиркорлигидан дарак бериб турарди.

– Ҳудудимизда 2 та қишлоқ бор, – деди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пўлат Салоҳиддинов. – Маҳалламизда 2 та мактаб, 1 та давлат ва 2 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолият олиб боради. Шунингдек, 2 та жоме масжид бор. Аҳолимиз асосан деҳқончилик билан шуғулланади. Ўтган йили томорқачилик йўналиши бўйича маҳалламиз туманда энг намунали деб топилди. 73 та ховлида иссиқхона қурилган. 18 хонадонда 1200 кўти асалари парвартишланмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини 1968 йилда қурилган, деворлари чўпқари бўлган эски бинода фаолият кўрсатиб келяпти. Ҳовлидаги тозалikka эътиборсизлик бироз кўнгилни хира қилди, аммо мўъжазгина экин майдони тартибга келтириб қўйилгани, Каттакўрпа томорқачиликда намунали маҳалла эканлигидан дарак бериб турибди.

### ► БИР ЎРИНГА ИККИ БОЛА

Кейинги манзилимиз 13-мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Боғча икки қаватли замонавий бинода фаолият олиб борар экан. Бу ерда болалар учун барча шароитлар яратилган. Бу яхши албатта, аммо бир қаравотда 2 нафар боланинг ётиши бизни ажаблантирди. Тарбиячилар ҳам болаларга ноънъанавий усуллардан фойдаланиб таълим-тарбия бераркан.

## Каттакўрпаннинг кичик муаммолари

Ўйин майдончасидаги ағримқоқларнинг ўриндиқлари ҳам ачинари аҳволда. Майдонча яқинда жойлашган хожатхонадан келаётган бадбўй хид ва уюлиб ётган чиқиндилар болалар саломатлигига таъсир қилмасмикин, деб ўйлаиб қолсан киши.



– 2019 йил апрель ойида фойдаланишга топширилган мазкур бино 75 ўринга мўлжалланган, – деди мактабгача таълим ташкилоти ҳамшираси Зулфия Бахрие-

### ► ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Маҳалла марказида бунёд этилган савдо мажмуаси ва спорт майдончаси ўрни бир пайтлар қаровсиз, ташландиқ жой эди. Ёш тадбиркорлар томонидан ҳудуд обод этилиб, аҳоли учун қулайликлар яратилди.

– Бундан 4-5 йил аввал уч нафар ўғлим ишсиз эди, – дейди шу маҳаллада яшовчи Абдурауф Бобоқулов. – Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларга, тадбиркорларга қаратилган эътибор сабаб уларнинг бандлиги таъминланди. Маҳалламизда бўш турган қаровсиз ер туман ҳокими қарори билан ажратилди ва фарзандларим бақдан кредит олиб, бу ерда ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун замонавий



футбол майдончаси ҳамда савдо маркази бунёд этиди. Бироқ аҳолини қийнаб келаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маҳалламизнинг бир қисми ичимлик суви билан таъминланиши, йўлларимиз таъмирланиши керак.

### ► “ТЕМИР ДАФТАР”ДАГИ ОИЛНИ КРЕДИТ ТЎЛОВИ ҚИЙНАЯПТИ

Маълумотларга кўра маҳаллада 81 оила “Темир дафтар”га киритилган. Бугунги кунда уларнинг 78 таси оилавий шароити яхшилانган деб ҳисобланиб, рўйхатдан чиқарилган. Қолган 3 оила ҳам “Темир

## ««« Президент ташрифидан сўнг »»»»

## ПАСТ ДАРҒОМ ЎЗГАРАДИ: ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БОР

Президентимиз топшириғига асосан жорий йил 1 майдан маҳаллий бошқарув органларини аҳолига янада яқинлаштириш, маҳаллаларга олиб борилаётган иш самарадорлигини ошириш мақсадида Паст Дарғом туманида иқтисодий блок структурасини такомиллаштирган ҳолда маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилди.



Хўш, янги тизимнинг ўзини хослиги нимада? Умуман, бу янгилик ҳудуд ривожини, аҳоли турмуш фаровонлигини қандай аҳамиятга эга?

Топшириққа асосан ҳокимнинг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари бошқарувида 45 кишидан иборат “Маҳаллабай ишлаш маркази” ташкил этилди. Унинг таркибиде маҳаллаларда тадбиркорликни, инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш (оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва ўзини ўзи банд қилиш), аҳолини касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш бўлимлари ҳамда маҳаллабай ишлаш инспекторлари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Марказ ўз ишини маҳала фуқаролар йиғини раисининг томоғқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, маҳаллаларга бириктирилган доимий вакиллар, секторлар бошқарув офислари, ўқув марказлари, мономарказлар, тижорат банклари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, инфратузилма ва коммунал ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этади.

“Маҳаллабай” ишлар натижадорлиги ҳафтанинг ҳар шанба кунли муҳокама қилиб борилади. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, шу пайтгача маҳаллабай ишлашда фаолият тизимли ташкил этилмаган. Оқибатда ҳокимият билан маҳалла ўртасида узилиш бўлиб қолган.

Мисол учун, Чимбой маҳалласи аҳолисининг яшаш тарзини яхшилаш ва доимий даромадга эга қилиш учун 124 гектар лалми

ер майдонида кооперация асосида анорзор ташкил этилиб, 124 та кам даромадли фуқароларга 1 гектардан бўлиб берилди. Бундан ташқари, ҳудудда 100 ўринли тикувчилик корхонаси қурилиши бошланди, 5 та бошқа савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, туманда 1 та 100 гектарлик саноат зонаси ҳамда 10 та махсус кичик саноат зоналари ташкил этиш ҳисобига қиймати 1,3 триллион сўм

бўлган 150 дан ортққ саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этишни режалаштирганмиз.

Масалан, Дўстлик массивида 100 гектарлик саноат зонаси ташкил этилади, шунингдек, шу ҳудуддаги гараж биноси ҳам 15 йилдан бўён фойдаланилмадан бўш турган эди. Худди шундай, Илм ҳудудидаги собиқ пахта қабул қилиш пунктининг фойдаланилмай ётган майдонида кичик саноат зонаси ташкил этилади.

Умуман, туманни ривожлантириш драйверларини белгилашда географик жойлашуви, мавжуд имконият ва шароитлардан келиб чиқиб туманни 3 ҳудудга бўлиб олдик. Биринчиси, Самарқанд шаҳри билан чегарадош бўлган Чархин массивида йирик ишлаб чиқариш корхоналари жойлашган ҳудуд. Бу ерда инфраструктура яхши ривожланган. Қурилиш учун катта ҳомаёи базаси мавжуд. Бу ерда саноат шундан келиб чиқиб ривожлантирилади.

2-саҳифа >>>



дафтар”дан чиқарилиши арафасида экан.

– Турмуш ўртоғим 2 йил аввал оғир хасталик билан оламдан ўтди, – дейди Камола Тўхтаева. – Бир ўғил ва бир қизим бор. Уларга боқувчисини йўқотганлик нафақаси тўланади. Қизим хасталиги учун ноғиронлик нафақасини ҳам оламан. Нولي-майман, давлат томонидан ойига 1 миллион сўм берилаяпти. Ўтган йили оиламиз “Темир дафтар”га киритилгандан кейин субсидия асосида бир сотихлик иссиқхона қуриб бериладиган бўлди. Хурсанд бўлиб, банкка ариза билан мурожаат қилдим. Аммо тушунмовчилик сабаб кредит асосида икки сотихлик иссиқхона қуриб берилди. Бунинг асосий қарзи ва фоизалари борлигини қурувчилар келиб ишни бошлагандан кейин билдим. Иссиқхона август ойида қурилган бўлса, усти ноябрда ёпилди. Бу ерга эккан кўкатлар ҳам Янги йил байрамигача тайёр бўлмай, кўнгилдагидек даромад қилолмадим. Ҳозирги кунда кредитни қайтариш масаласи мени қийнаб келяпти.

Маҳаллада бўлганимизда ҳудуддаги мавжуд Каттакўрпа ва Кичикқўрпа қишлоқлари аҳолисининг ана шундай катта-кичик муаммолари ва муваффақиятларига гувоҳ бўлдик. Ютуқлар ўз йўлига, аммо одамларни қийнаётган масалаларга ечим топши, бошқа шу каби муаммоларнинг олдини олиш масъулларнинг эътиборига боғлиқ!

**Ўлтин Сиддиқов,**  
**Бахтиёр Мустанов,**  
«Зарафшон» муҳбирлари.

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ МАҚСАДСИЗ ИШЛАТИЛГАН

**Жорий йилнинг дастлабки 4 ойида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун «Агробанк», Халқ банки ва «Микрокредитбанк» вилоят филиаллари томонидан 10959 та лойиҳага 274,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди.**

Жумладан, 3,9 миллиард сўм "Темир дафтар"даги 277 оилага, 32,3 миллиард сўм "Аёллар дафтари"даги 2007 нафар хотин-қизларга, 28 миллиард сўм "Ёшлар дафтари"даги 1403 нафар ёшларга ажратилган.

Аммо дастурлар доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитлар тўлиқ мақсадли фойдаланилмапти.

Туманида 41 та лойиҳа бўйича 942 миллион сўмни (42 фоизи), Пахтачи туманида 24 та лойиҳа бўйича 516 миллион сўмни (14 фоизи) ташкил этмоқда.

Мисол учун, Булунгур тумани Бундан маҳалласида тикув машиналари хариди учун 25 миллион сўм, Авлиё парри маҳалласида истиқомат қилувчи

мақсадсиз ишлатилганлиги бўйича корхона раҳбари изоҳ беришдан бош тортди.

Тумандаги Янгиқўрғон маҳалласида мебель ишлаб чиқариш учун ажратилган 30 миллион сўм кредит мониторинг қилинганда ижара шартномаси тузилмаган бошқа манзилдаги мебель ишлаб чиқариш жойи кўрсатилган. Арпа маҳалласида паррандачилик учун 20 миллион сўм кредит олган фуқаронинг парранда боқиш учун шароити ҳам йўқлиги маблаг мақсадсиз ишлатилганини кўрсатмоқда.

Пахтачи тумани Зиёвуддин шаҳарчасида яшовчи фуқарога тикувчилик учун 30 миллион сўм кредит ажратилган, лекин фаолият билан шуғулланмаган. Тумандаги Жаҳонобод маҳалласида яшовчи фуқарога мотокультура учун 16,5 миллион сўм кредит ажратилган бўлса-да, мотокультура сотиб юборилган. Тумандаги Наҳрипай маҳалласида истиқомат қилувчи фуқарога иссиқхона учун 30 миллион сўм, Мирзо Улуғбек маҳалласида яшовчи фуқарога 27 миллион сўм кредит ажратилган, лекин ҳақиқатда иссиқхона қурилмаган.

Жорий йилда ажратилган белгиланган имтиёзли кредитларнинг 45 фоизи аввал ажратилган кредитларнинг сўндирилши ҳисобидан бўлиши белгиланган.

Ўтган йилларда молиялаштирилиб ўз вақтида қайтарилмаётган қарздорликлар тижорат банклари учун муаммо бўлмоқда. Мисол учун, жорий йил 1 май ҳолатига вилоят бўйича 32 миллиард сўм муддатда тўланмай қолаётган кредит қолдиғи бор. Бу ўртача 25-30 миллион сўмдан ҳисоблаганда, кредит олиш учун навбатда турган қарийб 1200 нафар талабгорнинг талаби қондирилишига салбий таъсир кўрсатади. Муддати ўтган қарздорликлар салмоғи Пайариқ (5,1 миллиард сўм), Паст Дарғом (3,1 миллиард сўм), Оқдарё (1 миллиард сўм) туманларида юқориликча қолмоқда.

**Марказий банк вилоят бош бошқармаси ахборот хизмати.**

**Йил сайин қурилиш-бунёдкорлик ишлари кўпаймоқда. Ижтимоий соҳа объектлари, янги йўллар, дастурлар доирасида замонавий бинолар қурилоқда. Бу албатта Самарқанднинг кундан кунга янги қиёфага кириб бораётганлигини кўрсатади. Хўш, жорий йилда вилоятимизда қурилиш соҳасида қандай ўзгаришлар бўлади? 2021 йилда вилоятимизда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ва соҳадаги устувор вазибалар, янгиланган хабардор бўлиш учун вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Лазиз ҲАМИДОВГА мурожаат қилдик.**



# 130 Инвестиция дастури асосида та объект қурилади

- Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги "2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфра-тузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоят бўйича 2021 йилда Инвестиция дастурига лойиҳа қиймати 825,1 миллиард сўмни ташкил этадиган 130 та объект қурилади. Дастур доирасида 39 та умумтаълим мактаби, 16 та мактабча таълим муассасаси, 8 та соғлиқни сақлаш, 6 та жисмоний тарбия ва спорт, 8 та олий таълим, 2 та маданият ва спорт, 1 та илм-фан ва инновация объектларида қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилади. Янгидан қуриладиган объектларнинг 90 таси бўйича лойиҳа смета ҳужжатлари учун ижобий экспертиза хулосалари олинган.

Бугунги кунда 62 та объект учун онлайн платформадан (tender.mc.uz) эълон жойлаштирилган.

**- Самарқанддаги қурилиш-ларнинг ақсарияти кўп қаватли уйлар ақсарияга тўғри келмоқда. Эндиликда бу ишлар туманларга ҳам кўчи. Бу йил қайси ҳудудларда, неча қаватли турар жойлар қурилади?**

- Ҳақиқатан ҳам Самарқанд ҳозирги вақтда улкан бунёдкорлик маскани ривожлантириш асосий йўналишимиз бўлади. Мисол учун, Қорағўппа маҳалласида 15 та мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди. Аслида маҳалладаги 695 та хонадондан 71 таси мебель тайёрлаш билан шуғулланади. Уларнинг талаби асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маҳалла ҳудудидаги 2,5 гектар ерда кичик саннат зонаси ташкил этишни режалаштиргандик. Бу тақдир давлатимиз раҳбарининг ташири давомида қўллаб-қувватланди.

Туманимизнинг Гўзалкент ҳудуди аҳолиси асосан қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги айниқса, анорчилик, боғдорчилик ва чорвани ривожлантириш драйвер этиб белгиланди.

Масалан, 504 гектар майдонда анорчилик, 500 гектар майдонда боғдорчилик ташкил этилади. Анор майдонлари доимий даромад манбаига эга бўлмаган оилаларга 1 гектардан бўлиб берилади. Оилавий тадбиркорлик ташкил қилиб, қатор орасига полиз экинлари экиш ҳисобига йилга ўртача 11,5 миллион сўм, 3 йилдан бошлаб анор ҳосилга киргач ўртача 25 миллион сўмдан 120 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига чорвачилик бўйича 1500 та хонадонга 45 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Барча йўналишлар бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига бюджетга қўшимча 140 миллиард сўмлик солиқ базаси яратилади. 10 мингга яқин иш ўринлари очилади. Оилалар даромади ортса, пули кўпайса табиийки, аввало уй-жойи яшишни ис-тайди. Шу боис, жорий йилда Фурқат маҳалла-

этибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам қабул қилинган. Шу асосда жорий йилда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган 20 та массивлар танланиб, 3444 та хонадондан иборат жами 106 та кўп қаватли уй қуриш режалаштирилган. Шундан фармонга мувофиқ шаҳарларда 9 ва ундан юқори қаватли 16 та уйларда 1644 та хонадон, қишлоқларда 5 ва ундан юқори қаватли 90 та уйда 1800 та хонадон қурилади.

**- Аҳоли пунктларининг бош режалари қай тартибда ишлаб чиқилади?**

- Тасдиқланган манзилли дастурларга асосан 2021 йилда вилоят бўйича 12 та аҳоли пунктнинг бош режасини ишлаб чиқиш белгиланган. Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги "2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Тойлоқ ва Митан шаҳарчаларининг бош режалари ишлаб чиқилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 июлдаги қарори асосида 10 та (Тойлоқ туманида Богизагон,

Олмазор, Қўшчинор, Таллиота, Нарпай туманида Гулистон, Дедон, Чархин, ва Хўжақўрғон, Жомбой туманида Ғазира ва Сўхмон) маҳалла фуқаролар йиғинларининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқиш ишлари бошланди.

**- Туман-шаҳарлар марказларини ободонлаштириш бора-сидаги ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

- 55 та марказий кўчалар танлаб олинди, манзилли рўйхат тасдиқланди. Мазкур кўчаларни ободонлаштириш ва "Саломатлик йўлаклари" ташкил этиш мақсадида қиймати 109 миллиард сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. Бунда 90,5 километр пидедалар ва велосипед йўлаклари, 78,6 километр кўчани таъмирлаш, 2131 донна ташкил этиш қурилмалари ва элементлари ўрнатиш, 60,3 километр бетон лоток ўрнатиш, 137 минг 806 метр квадрат ҳудудни кўкаламзорлаштириш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинмоқда.

2020 йилда Қурилиш вазирлиги томонидан "шаффоф қурилиш" тизими жорий этилиб, 2021 йил январдан республика бўйича ушбу портал ишга туширилди. Мазкур тизимга бугунгача 514 та қурилиш объекти киритилди. Шу асосида инспекция томонидан бюрократчи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотларига 215 та мониторинг ва 675 та кўрсатмалар берилган.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ сўхтаблатди.**

Марказий банк вилоят бош бошқармаси томонидан йилнинг 1-чорагида 1 984 ташаббускорга ажратилган 47,3 миллиард сўм имтиёзли кредит бўйича мониторинг ва ўрганишлар олиб борилди. Ўрганишларга кўра, 221 нафар жисмоний шахсга ажратилган 4,2 миллиард сўм ҳамда 22 тадбиркорлик субъектига берилган 995 миллион сўм имтиёзли кредит мақсадсиз ишлатилган. Бу ўрганилган имтиёзли кредитларнинг ўртача 11 фоизини ташкил этмоқда.

Мақсадсизлиги аниқланган кредитлар Булунгур туманида 67 та лойиҳа бўйича 1 144 миллион сўмни (ўрганилган кредитларнинг 26 фоизи), Оқдарё

фуқарога 20 миллион сўм кредит ажратилган, лекин тикув машиналари сотиб олинмаган. Тумандаги Зарафшон, Богбон, Самарқанд маҳаллаларида истиқомат қилувчи фуқароларга иссиқхона учун 20 миллион сўмдан кредит ажратилган, иссиқхона қурилмаган. Каттақишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи фуқарога қуёнчилик учун ажратилган 20 миллион сўм кредит ҳам мақсадсиз сарфланган.

Оқдарё туманидаги оилавий корхонага автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ускуналари сотиб олиш учун 200 миллион сўм кредит ажратилган. Ушбу маблаг мониторинг қилинганда ускуналар йўқлиги, кредит

**Олий таълим муассасаларини топ-1000 таликка киритишнинг бир шarti ўқув юрти-да хориждан келиб ўқийдиган талабаларнинг бўлишидир. Кейинги йилларда мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида хорижлик ёшлар ўқиш истагини билдирмоқда. Бу олий таълим муассасаларининг нуфузи ошаётганидан дарак беради. Тўғри, ҳали Ўзбекистонда бирор олий таълим муассасаси топ-1000 таликка киритилгани йўқ. Аммо олий ўқув даргоҳларида хорижлик талабаларнинг кўпаяётгани яқин келажақда биздаги таълим сифатини дунё тан олишига умид қилса бўлади.**

# Институтда халқаро таълим факультети очилди

**хорижлик талабаларга қандай шароитлар яратилган?**

Самарқанд давлат тиббиёт институтида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб халқаро таълим факультети очилди. Факультетга Россия Федерацияси, Украина ва Польша давлатларидаги олий таълим муассасалари билан қўшма дастур асосида 152 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Шунингдек, факультетда ҳали Ўзбекистон тиббий таълим соҳасига киритилмаган клиник психология йўналиши ташкил этилди. Ушбу йўналиш И.Н.Ульянов номидаги Чуваш давлат университети билан қўшма дастур асосида ҳамкорликда очилди. Факультетда бакалаврлар учун даволал иши, стоматология, педиатрия иши, олий ҳамширалик йўналишлари мавжуд.

Бундан ташқари, институт Буюк Британия, Жанубий Корея, Россия, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркменистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан 450 нафар талаба ўқишга қабул қилинди.

Улар талабалар турар жойида яшапти, - дейди халқаро таълим факультети декани Мансур Алиев. - Хорижлик талабаларга дарслар MBBS йўналишида ташкил этилган. MBBS - Medical Bachelor/Medical Surgeon (Тиббиёт бакалаври/Тиббиёт хирург) даражаси Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатларда тан олинувчи халқаро этироф этилган тиббиёт мутахассислиги бўлиб, ушбу мутахассисликни эгаллаган талабалар соғлиқни сақлаш соҳасида шифокорлик касбида фаолият кўрсатишлари мумкин. Ўқиш давомийлиги 5 йил. Шу давр ичида талабаларга тиббиётнинг энг асосий йўналишлари бўйича зарур бўлган фундаментал ва клиник фанлардан амалий ҳамда назарий машғулотлар инглиз тилида олиб борилади. Профессор-ўқитувчиларнинг 80 фоизи маҳаллий, 20 фоизи чет эллик мутахассислардир.

Институт профессор-ўқитувчилари хорижий талабаларга дарс бериши учун дастлаб инглиз тилини ўргатувчи махсус курсларда ўқитилиб, халқаро сертификат олган. Хориждан келган профессор-ўқи-

тувчилар ҳам инглиз тилида дарс беради. Қисқаси, хорижлик талабалар учун дарс машғулотлар тўлиқ инглиз тилида олиб бориломоқда.

Хорижлик талабалар ҳаёти билан танишиш мақсадида улар истиқомат қилаётган 1-сонли талабалар турар жойида бўлди. Институтда учта талабалар турар жойи мавжуд бўлиб, ушбу ётоқхонада маҳаллий талабалар ҳамда покистонлик ўғил-қизлар яшар экан.

Талабалар турар жойидаги хоналар 2 кишига мўлжалланган, замонавий жиҳозланган. Ҳар иккита хона учун алоҳида ювиниш хонаси ва ҳоҳатхона, кир ювиш учун умумий махсус хона мавжуд. Йигит-қизларга алоҳида ошхоналар бўлиб, унда покистонлик талабаларга уч маҳал ҳалол миллий таомлар тайёрланади. Ошпазлар Покистондан келтирилган.

- Биз Самарқандда стандартларга мос ҳалол сифат сертификатига эга маҳсулотлар топшишга қийналдик, - деди 1-курс талабаси Мухаммад Сале.

- Дарслар қийинчилик туғдиргани йўқ, 5 маҳал намоз ўқишга вақт топилди, - деди 1-курс талабаси Нагеван Варда. - Бизга барча шароитлар яратилган. Ўзбекларнинг миллий таомларидан палов, лагмон, кадоб менга жуда манзур бўлди.

- Ўзбекистонга келишимга ота-онам қаршилик қилгани йўқ, - деди 1-курс талабаси Хемера Шакил. - Улар менинг шифокор бўлишимни истамади. Сизнинг давлатининг ҳар томонлама маъқул бўлгани учун бу ерда тахсил оляпман.

Хорижлик талабаларнинг айримлари Самарқандда қолиб, докторлик даражасига таълим олишни давом эттириш ниятида эканини билдирди. Бундан кўриниб турибдики, биздаги шарт-шароит ва таълим сифати хорижлик ёшларга маъқул.

Институтда хорижлик талабалар тўлов-контракт асосида ўқийди.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Жума ҳудудида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланган. Демак, савдо ва сервисни, айниқса йўл бўйи инфраструктурасини ривожлантириш асосий йўналишимиз бўлади. Мисол учун, Қорағўппа маҳалласида 15 та мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.

Аслида маҳалладаги 695 та хонадондан 71 таси мебель тайёрлаш билан шуғулланади. Уларнинг талаби асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун маҳалла ҳудудидаги 2,5 гектар ерда кичик саннат зонаси ташкил этишни режалаштиргандик. Бу тақдир давлатимиз раҳбарининг ташири давомида қўллаб-қувватланди.

Туманимизнинг Гўзалкент ҳудуди аҳолиси асосан қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Шунинг учун қишлоқ ҳўжалиги айниқса, анорчилик, боғдорчилик ва чорвани ривожлантириш драйвер этиб белгиланди.

Масалан, 504 гектар майдонда анорчилик, 500 гектар майдонда боғдорчилик ташкил этилади. Анор майдонлари доимий даромад манбаига эга бўлмаган оилаларга 1 гектардан бўлиб берилади. Оилавий тадбиркорлик ташкил қилиб, қатор орасига полиз экинлари экиш ҳисобига йилга ўртача 11,5 миллион сўм, 3 йилдан бошлаб анор ҳосилга киргач ўртача 25 миллион сўмдан 120 миллион сўмгача даромад олиш мумкин.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш ҳисобига чорвачилик бўйича 1500 та хонадонга 45 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Барча йўналишлар бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига бюджетга қўшимча 140 миллиард сўмлик солиқ базаси яратилади. 10 мингга яқин иш ўринлари очилади. Оилалар даромади ортса, пули кўпайса табиийки, аввало уй-жойи яшишни ис-тайди. Шу боис, жорий йилда Фурқат маҳалла-

# ПАСТ ДАРҒОМ ЎЗГАРАДИ: ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БОР



даланиш ҳисобига чорвачилик бўйича 1500 та хонадонга 45 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилади.

Барча йўналишлар бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳисобига бюджетга қўшимча 140 миллиард сўмлик солиқ базаси яратилади. 10 мингга яқин иш ўринлари очилади.

Оилалар даромади ортса, пули кўпайса табиийки, аввало уй-жойи яшишни ис-тайди. Шу боис, жорий йилда Фурқат маҳалла-

си ҳудудидан намунавий лойиҳа асосида 4 та 5 қаватли (80 хонадонли) уй-жой қурилади.

Бундан ташқари, янги тартибда 630 хонадонли 9 та кўп қаватли (шундан 240 таси субсидия асосида) уй жой қуриш режалаштирилган. Ҳозирда Мирзо Улуғбек маҳалласида 3 та 7 қаватли (2120 хонадонли) уй-жой учун ер ишлари бажарилмоқда. Гўзалкент маҳалласидан 6 та 7 қаватли (420 хонадонли) уй қуриш учун тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 200 та яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган бўлиб, шундан 120 тасига субсидия ажратилиши кўзда тутилган.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари Эски Жума маҳалласи ҳудудидан 5,5 гектар сугорилмаган ер майдондан уй-жой қуришга рухсат берди. Бу ерда 1386 хонадонли 22 та кўп қаватли уй қурилади.

Умуман, Президентимизнинг вилоятимизга бу гаги ташрифи туманимиз учун ҳам янги истиқболли йўналишлар белгилангани билан аҳамиятли бўлади.

**Ш.ХУДОЙБЕРДИЕВ, Паст Дарғом тумани ҳокими.**

**Диққат, танлов!**

# "Йилнинг энг фаол журналисти" республика танловига марҳамат!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови эълон қилади. Танловга 2020 йилнинг 1 июнидан 2021 йилнинг 1 июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радио эшитиришлар қабул қилинади.

Тошкент шаҳрида фаолият олиб борувчи оммавий ахборот воситалари вакиллари (танловга) ўз ижодий ишларини Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига, ҳудудлардаги ОАВ вакиллари эса (материалларини) уюшманинг Қорақалпоғистон Республи-

каси ва вилоятлар бўлимлари орқали жорий йилнинг 5 июнигача шахсий маълумотнома, боғланши учун телефон рақами ва паспорт нусхасини илова қилинган ҳолда тақдим этишлари лозим бўлади. Барча йўналишлар бўйича ижодий ишлар сони бештадан кам, ўнтадан кўп бўлмаслиги белгиланган.

Матбуот ва интернет йўналишлари бўйича материалларнинг электрон (Word) шакли (материал қачон ва қаерда эълон қилингани кўрсатилиши шарт) куйидаги рақамга (90 - 045-54-88) очилган телеграм манзилига юборилиши сўралади. Телевидение ва радио

йўналишлари бўйича ижодий ишлар CD ва DVD дискларда қабул қилинади.

"Йилнинг энг фаол журналисти" танлови қолиб ва совиндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбири арафасида топширилади.

Барча йўналишлар бўйича материалларнинг асл ёки кўчирма нусхалари (тегишлича қоғоз ва диск шаклида) "Йилнинг энг фаол журналисти" танловига деб кўрсатилган ҳолда юборилиши лозим.

**Манзил:** 1000011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. **Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**

**Мурожаат учун телефонлар:** 71-244-64-61; 71-244-62-93.



**МОБИЛ ТЕЛЕФОН**  
**ФОЙДАЛИМИ**  
**ЗАРАРЛИ?**  
**ёки**

**Мобил телефоннинг яратилиши техник тараққиётнинг ҳақиқий инқилобидир. Аммо барча техник тараққиётнинг салбий томонлари ҳам бор. Масалан, қўл телефон инсон соғлигига зарардир.**

Мобил телефондан чиқаётган нур инсон мия хужайраларига жиддий таъсир қилиб, уни турли хавфли касалликларга дучор этади. Биламизки, мия инсоннинг энг асосий бошқарув органи ҳисобланади. Шунинг учун телефонни фақат меъёрида ва зарурат пайтда ишлатиш керак.

Аммо бугунги кунда телефон ўсмирларимиз ҳаётидаги муҳим воситалардан бирига айланган. Кўча-кўйда йигит-қизларнинг қўлидан телефон тушмайди. Тўғри, ҳозир техника асри, техника имкониятлари чексиз. Баъзан катта ёшли инсонлар ҳам телефонда соатлаб гаплашишади. Аслида телефондан фойдаланганда қарама-қарши томон саломатлигини билиш учун 4 дақиқа етарли бўлар экан.

Биз чексиз интернет, чексиз телефон имкониятларига ўрганиб қолиб, ўз атрофимиздаги воқеаларга бефарқ қараямиз. Виртуал оламда ўз танишларимиз билан соатлаб гаплашамиз, камига виртуал оламда севапмиз, дўстлашамиз, гуддек оиламизни шу «дўст»лар билан муносабатлар орқали бузаямиз.

Ҳозирги кунга келиб бутун дунё уяли алоқа абонентларининг сони 1,9 миллиардни ташкил қилади. Юртимизда деярли ҳар икки кишининг бирида уяли телефон мавжуд. Уяли телефондан фойдаланмаётган инсонга унинг таъсири 15 сонияга қадар сезилмайди. Агар сўзлашув ва фойдаланиш вақтини оширсан унда яққол ўзгариш сезилади, чунки алфа тўлқинлар мия фаолиятини ёмонлаштиради ва ўзининг тўлқин хусусиятларини намоян қила бошлайди. Инсон танасининг электромагнит нурланишларга энг таъсирчан қисми бош бўлиб, айнан шу соҳада сўзлашув олиб борилади. Шунинг учун у инсонда нурланиш жараёни тезлашишни яна ҳам ортиради. Мутахассислар сўзлашув жараёнидаги инсоннинг қон босимини ўлчаганида ҳар хил ёшдагиларда босим кўтарилиши аниқланган.

Минг афсуски, ҳозирги кунда уяли телефон фойдаланувчиларининг аксар қисмини ёшлар ташкил қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, дунёда ҳар 20 та инсондан биттаси ушбу мобил алоқа нурланишининг қурбонига айланмоқда. 2000 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уяли телефонлар зарари оид Европа парламентига тақдим этган ҳисоботида инсонларнинг саратон касалига чалинишида уяли телефонларнинг таъсири кучли эканини таъкидлаган эди. Немис мутахассислари камерали ва камерасиз уяли телефонларда электромагнит нурланиши бўйича тест ўтказишганда, камерали телефонларнинг нур-

ланиши содда уяли телефонларга қараганда кўпроқ бўлган. Нурланиш асосан уяли телефондан сўзлашув вақтида чиқади, лекин «кутиш» ҳолатида у нурланишдан буткул халос бўлмайди, чунки уяли телефон база станциясига ўзининг тармоқ доирасида эканлиги, қўнғирок, SMS ва шу каби маълумотларни қабул қилишга тайёрлиги ҳақида ахборот бериб туради. Буни тунда уяли телефонига «будильник» қўйиб, ёнида олиб ётадиган фойдаланувчилар билиб қўйишлари фойдадан холи бўлмайди.

Bluetooth фойдаланувчилари ҳам узоқ вақт давомида ундан чиқаётган бир неча мВт қувватнинг ҳам қулоқ ва мия фаолиятига бевосита таъсири борлигини унутмаслиги керак.

Уяли телефондан фойдаланиш тартибига келсак, уни сўзлашув вақтидаги «кутиш» ҳолатида қулоқда эмас, балки қўлда ушлаб туриш, шунингдек, метрополитенда, хизмат доирасидан ташқарида, зарур бўлмаса тунда, кераксиз пайларда ўчириб қўйиш муҳим. Бундан ташқари, уст кийимнинг ичига солиб юриш тавсия қилинмайди. Уни иложи борида қўлда ва ён ҳалтада олиб юриш лозим. Шунингдек, уяли телефонни ёш болалардан узоқда тутиш керак. Саратон хасталигини ўрганиш бўйича халқаро агентлик ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мобил телефонлар одамларда хавфли ўсмавларни келтириб чиқаришини биринчи марта эътироф этди. Шу қоққача бу ҳақда фақат тахминлар айтиб келинган бўлса, эндилкида нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам қўл телефонларнинг зарари ҳақида узил-кесил фикр билдиришди.

Электромагнит тўлқинлари ҳамиша саломатлик учун зарарли, деб ҳисоблаб келинган. Агар у тўғридан-тўғри ҳар кун қулоққа йўналтириб турилса, унинг ичкаридаги эшитиш ҳамда кўриш аъзолари (кўз тўрпақдаси) фаолиятини таъминлайдиган асаб тўқималарига таъсир кўрсатади. Баъзи одамлар гоҳо кунига соатлаб мобил телефонини қулоқларидан олишмайди. Бу организм учун ниҳоятда оғирлик қилади.

Бош мия тўқималарининг зарарланиши, айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, бирданига эмас, балки орадан 15-20 йил ўтгачина аниқ намоян бўлади. Шу сабабли улар яқин келажакда бош мия ўсмаси билан хасталанган одамлар сони кескин ошиб кетади, деб ҳисоблашмоқда. Негаки, ҳар кун атиги 15 дақиқа мобил телефонда гаплашишнинг ўзи миёда саратон ўсмаси ҳосил бўлиши учун етарлидир.

Демак, бу каби электромагнит нурланиш ҳосил қиладиган воситалардан фойдаланишни мўтадил ҳолатга келтириб олсак, ўзимиз ҳамда наслимиз соғлигини асраган бўламиз.

**Дилнавоз ТОҒАЕВА,**  
**Бухоро давлат университети**  
**миллий ғоя, маънавият асослари**  
**ва ҳуқуқ таълими кафедраси**  
**ўқитувчиси.**

**Юртимиз равнақи учун бор шижоати, билими, лозим бўлса, жонини ҳам аямаган ватандошларимиз борки, улар олдида ҳамиша таъзимдамиз. Улар ҳаёт бўлса ардоқлаб, ўтганида хотирасини доимо қалбимизда асраймиз. Ана шундай инсонлардан бири биология фанлари доктори, профессор Эшон Нуриддинов эди.**

Устоз 1944 йил 15 апрелда Паст Дарғом тумани Оқсой қишлоғида туғилган. 1961 йилда ўрта мактабни олтин медал билан тугатиб, шу йили Тожикистон давлат университетининг биология факультетига ўқишга қабул қилинган.

## Яхшидан боғ қолар...

Э.Нуриддинов талабалик йиллари жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, тенгдошларига ўрнак бўлди. 1968 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, кафедра ассистенти бўлиб иш бошлади. И.П.Павлов номидаги Санкт-Петербург тиббиёт институтида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Сўнгра катта ўқитувчи, доцент бўлиб ишлади. И.М.Сеченов номидаги Ленинград эволюцион физиология институтининг катта илмий ходими бўлиб ишлаган даврида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Эшон ака 1993 йилда Самарқанд давлат университетига ишга таклиф қилинди. 27 йил давомида университетда кафедра мудири, профессор



лавозимларида талабаларга сабоқ берди. Икки йил давомида Душанбе шаҳридаги БМТнинг экологик эксперти кенгаши аъзоси сифатида ўзини кўрсатди. Э.Нуриддиновнинг 230 дан ортиқ илмий мақола, монография ва ўқув қўлланмалари чоп этил-

ган. У 15 дан кўпроқ дарсликлар муаллифидир. Самарқанд давлат университети магистратура ва докторантура мактабининг илмий фаолиятини ривожлантиришда улкан ҳиссасини қўшиб, юздан ортиқ шогирдлар тарбиялади.

Эшон Нуриддиновнинг билим ва кўникмаларига ҳар бир талаба ва ўқитувчи ҳавас билан қарар, ундан кўпроқ ўрганишга интилар эди. Устоз ҳеч қимдан қимматли маслаҳатини аямасди. У ҳар бир машғулотга жиддий ёндашарди.

Устоз бугун ораимизда йўқ, аммо панду насихатлари ёдимиздан кўтарилмаган. Бу ўғитлар, ҳаёт сабоқлари бундан кейин ҳам биз билан бирга бўлади. Биз устозни эзгу амаллари билан эслаймиз, миннатдорлик туйғуси билан ёдга оламиз.

**Жўрақан ЭШНАЗАРОВ,**  
**Самарқанд давлат университети профессори.**

## Тадбиркор раҳбар

**Тажрибали раҳбар, тадбиркор Абдували Салимовни нафақат вилоятимиз, балки республикамиз саноатчилари ва қурувчилари жуда яхши билишарди. У киши раҳбарлик қилган корхонада ишлаб чиқарилган қурилиш маҳсулотларидан юртимизнинг қайси ҳудудида бунёдкорлик ишлари амалга оширилган бўлса, барчасида фойдаланилган.**

Абдували Салимов 1949 йилда Паст Дарғом туманидаги Бахшибойи қишлоғида туғилиб, вояга етди. Ўрта мактабни битириб Самарқанд гидромелиорация техникумида таҳсил олди.

Меҳнат фаолиятини 1968 йилда виллоят сугориш тизимлари бошқармаси қошидаги режалаштириш гуруҳида бошлаган А.Салимов бир муддат «Самарқандтрансстрой» ташкилотиде тахсил олди.

Бундан ташқари, у тўплаган тажриба 1985-1990 йилларда 5-трестга қарашли қурилиш материаллари комбинатининг бетон қорихмаси участкаси бошлиғи бўлиб ишлаганида қўл келди.

Мустиқликнинг илк йилларида собиқ иттифок даврида кучли хомашё таъминоти эга бўлган қўлпаб корхона ва фабрикаларнинг иш фаолияти тўхтаб қолган, айримлари ҳатто талон-торож қилинган.

Абдували Салимов узоқ йиллар ишлаган корхонасига, тажрибали ишчиларга, қолаверса, ўз касбига садоқат билан ёндошганлиги



сабабли «Темир-бетон конструкциялари комбинати» билан бўлса-да, сақлаб қолди. Иллар ўтиб, корхонага аста-секин янги, замонавий технологияларни жорий эта бошлади. Тажрибали раҳбарнинг тадбиркорлиги туфайли «Темир-бетон конструкциялари комбинати» МЧЖ мамлакатимизда

ги темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида энг самарали деб топилди.

А.Салимов 1990 йилдан умрининг охиригача «Темир-бетон конструкциялари комбинати»да раҳбарлик қилди. У темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича бой тажрибага эга мутахассис эди. Ўз корхонасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, модернизация қилиш, ишчи-ҳодимларнинг тажрибаларини оширишда тиниб-тинчимас эди.

Абдували ака қаерда ишламасин, атрофига истеъодли ёшларни тўплаб, уларга ғамхўрлик кўрсатиши ва ўз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берди.

Абдували ака турмуш ўртоғи Фотима она билан олти нафар фарзандни вояга етказди, ўқимишли қилди.

А.Салимов ҳаёт бўлганида 72 ёшга тўларди. Бугун унинг тадбиркорлик ишларини фарзандлари, шогирдлари давом эттириб келмоқда.

**Давир КЕНЖАЕВ,**  
**Паст Дарғом тумани.**

**Эзгу ишлари билан эл орасида ҳурмат қозонганлар ҳеч қачон унутилмайди. Лутфулла Зоҳидов ҳаёти давомида жамият равнақи учун хизмат қилиб, одамларга яхшилик улашиб, обрў-эътибор топган. Шу боис уни бугун кўпчилик яхши сифатлари, чиройли хотиралар билан ёдга олади.**

## Чин инсон эди

1939 йилда Самарқанд шаҳрида таваллуд тогган Л.Зоҳидов ўқишга қизиқиб, тиришқоқлиги билан тенқурлари орасида ажралиб турган. 1986 йилда Тошкент шаҳридаги ўрта махсус милиция мактабини тавомлаган.

Лутфулла Зоҳидов ўзининг иш фаолиятини Самарқанд шаҳар Ички ишлар бўлимида балоғат ёшига етмаганлар инспектори умумий назоратчиси сифатида бошлади. У билимдонлиги, интилувчанлиги билан ҳамкасбларининг назарига тушди.

Балки шу боис, уни кейинчалик шаҳар ИИБ жиноят қидирув бўлимига ишга жалб қилишди. У доим билмаганларини тажрибали ходимлардан сўраб ўрганди. Касб сирларини пухта ўзлаштириш учун тинимсиз ҳаракат қилди. Сермулоҳазалик, етти ўлчаб бир кесиб, мардлик ва сўзида собитлик унинг аъмолига айланди.

Лутфулла узоқ йиллик фаолияти давомида қўллаб ёшларга устозлик қилди. Аслида ҳуқуқ-тартибот органларида устоз-шогирдлик муносабатлари шаклланиши ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас.

– Ҳаётда ҳар бир соҳанинг ўзига хос хусусияти, нозик жиҳатлари бор, - дейди шогирдлари. – Шу маънода ички ишлар идораларида айрим муаммоларнинг ечимини топиб учун билимдан ташқари етарли тажриба талаб этилади. Лутфулла нафақат тизим ходими, балки шу элнинг чин фарзанди сифатида юрт қорига яраш, муаммоларини бартараф этишни инсоний бурчи деб билди.

Инсоннинг умри қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан ўлчанади дейишади. Бу борада Лутфулла Зоҳидовга ҳавас қилса арзийди. Негаки, у юртга садоқат билан хизмат қилиш, муносиб шогирдлар тайёрлаш баробарида оқил ва қўбил фарзандлар тарбиялаб элга қўшди. Шунинг ўзиёқ унинг чироғи мудом ёниқ бўлишига қафолат эмасми?

**Меликхон Нўмонхон ўғли.**



РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ЙИГИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!**  
**Нуробод тумани «Жом дехқон бозори ТМК» масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2021 йил 5 июнь кунни соат 10:00 да жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.**  
**КУН ТАРТИБИДА:**  
- жамият раисининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи;  
- жамиятнинг 2021 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш;  
- бошқа масалалар.

**Йиғилишга барча таъсисчиларни таклиф этамиз.**  
**МАНЗИЛ:** Нуробод тумани Гирдиқўрғон МФЙ, «Жом дехқон бозори ТМК» МЧЖ биноси.  
**ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.**  
\*\*\*  
**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИНГ!**  
Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси томонидан туман ҳокимлиги заҳира ерлари ҳисобига олинган: МЧ «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидаги 1109, 1110, 1113 ва 1114к-контурлардан жами 119,5 га. (шундан: 110,6 га. яйлов, 2,6 га. ариқ ва зовурлар, 2,2 га. йўллар, 4,1 га. бошқа ерлар) ер майдонларида фермер ҳўжалиги юритиш учун танлов

ўтказилмоқда. Талабдорлардан аризалар 2021 йил 21 майга қадар қабул қилинади.  
**Манзил:** Самарқанд тумани Гўлобод шаҳарчаси, туман ҳокимлиги биноси.  
\*\*\*  
**ДАЪВОЛАР БЎЛСА**  
Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2017 йил 1 мартда 03583/1 реестр рақами билан рўйхатга олинган «SODIQ» хусусий корхонаси (қисқартирилган номи: «SODIQ» ХК) корхона таъсисчиларининг 2021 йил 12 майдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.  
**Корхонанинг почта манзили:** Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти Ургут тумани Камангарон маҳалласи, Абдулла Қодирий кўчаси, 51-уй.  
Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 200785410.  
\*\*\*

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Зайниева Махкамга (2006 йил 31 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил:** Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.  
\*\*\*

Каттақўрғон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шамсиддинова Соҳиба нотариал идорасида марҳум Вопаева Шарофатга (2020 йил 2 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шамсиддинова Соҳиба нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил:** Каттақўрғон тумани Қадан кўрғони, Алишер Навоий кўчаси.  
\*\*\*

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Самарқанд шаҳридаги «EDELVEYS KLASSIK» масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 300676242) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*

Паст Дарғом туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Сафаров Машхур Мамадалиевич номига берилган О' R-SH № 0233662 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛАДИ**  
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг 2021 йил 2 мартдаги 335-сонли фармойишига асосан Марказий банк раисининг ўринбосари Бобир Абубакиров томонидан 2021 йил 21 май кунни соат 11:00 да Ургант тумани ҳокимлиги биносида жисмоний ва юридик шахс вакиллари билан сайёр қабул ўтказилади.**  
Сайёр қабулда банк соҳасига оид масалалар юзасидан бевосита мурожаат қилиш имкониятига эга бўласиз, шунингдек, амалдаги қонунчилик доирасида жойида тегишли тушунтиришлар, маслаҳат ва амалий ёрдам берилади.  
**Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси маъмурияти.**  
**Мурожаат учун телефон: 66-233-47-07.**

Самарқанд шаҳридаги 28-ўрта мактабдан 1998 йилда Одинаев Шухрат Нейматуллаевич номига берилган О' R-D № 739643 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*

Тойлок туманидаги 22-таъанч мактабдан 1999 йилда Джумаева Мумина Ахроровна номига берилган О' R-Z № 178793 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 71-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Ибрагимова Камола Тоировна номига берилган У № 1898422 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.  
\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги 22-ўрта мактабдан 1994 йилда Ташкулов Элдар Бурханович номига берилган А № 617383 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЛОЙДАН МЎЪЖИЗА ЯРАТАЁТГАНЛАР ҚАДР ТОПАДИ

Кулолчилик қадимдан ривожланиб келаётган миллий ҳунармандчилик тури саналади. Бундан уч минг йиллар аввал ҳам ота-боболаримиз сопол буюмлар ясаб, улардан фойдаланган. Катта-катта хумдонлар маҳсулотни сифатли сақлашга хизмат қилган бўлса, сопол лаганга сузилган ош ўзининг мазаси билан ажралиб турган. Тўғри, ҳозир замонавий рўзгор анжомларидан фойдаланамиз. Аммо юртимизга келаётган сайёҳларнинг асосий эътибори айнан кулолчилик буюмларида. Кулолчиликни янада ривожлантириш, миллий аънава ва қадриятларимизни дунёга танитиш эса олдимизда турган муҳим вазифалардан бири.



этилиши белгиланган. Айтиш керакки, вилоятимизда фаолият юритаётган 59 нафар кулолчилик муаммоларидан бири ҳам айнан ўз ҳунарини ўргатиш учун махсус жойини йўқлигидан эди. Чунки уларнинг аксарияти ўз хонадонидан фаолият юритади. Бундай марказларнинг ташкил этилиши уста кулолларимизга ёшларга ўз ҳунарини ўргатиш, чет эллик ва маҳаллий сайёҳларга мастер-класслар ташкил этиш имкони-

ни беради. Ҳозирда 10 дан ортиқ кулол мажор марказларни ташкил этиш учун тақлифларни билдирди.

Қарорга кўра, янгидан ташкил этиладиган кулолчилик марказларидаги турар ва нотурар жойларга нисбатан кулолларга мулк ҳуқуқи берилган ойдан мол-мулк ва ер солиғи уч йил давомида 50 фоиз миқдорда тўланади. 2021 йил 1 апрелга қадар "Уста-шоғирд" аънавалари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган кулолларга шоғирдлар тайёрлаши, зарур хомашё сотиб олиши ва шоғирдларини иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидиялар ажратилади.

Давлат корхоналари, ҳокимликлар, банклар ҳамда хўжалик юритуви субъектларида фаолият олиб борувчи ходимларга Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик байрами арафасида, тўй-маросим ва бошқа тадбирларда ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан кулолчилик маҳсулотлари тўпламини соғва қилиш аънавага айланади.

Кулолларимиз учун энг асосий маҳсулот бу гил, яъни соз тупроқ. Қарорда кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ турлари захиралари мавжуд ерларнинг манзилли рўйхати шакллантирилиши ҳам айтилган. Виловатимизнинг шаҳар ва туманларида кулолчиликда фойдаланиладиган ерлар кўп. Ҳунармандлар уюшмаси томонидан "Самарқанд геология" акциядорлик жамиятига Самарқанд туманидаги Хожи-

гайдиш конидан 2 гектар ҳамда Чўпон ота масканида жойлашган "Конигил" худудидан 5 гектар ер фойдаланиши учун ажратилиши тақлифини бердик. Ҳозирда кулолларимиз томонидан асосий тупроқ Конигил масканидан олинади.

Бугунги кунда виловатимизда кулолчилик сир-асрорларини чуқур ўзлаштирган усталар талай. Уларнинг номи нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё бадий безак санъати шайдоларига маълум. Жумладан, Ўзбекистон халқ устаси Холмаҳмат Исмаилов, академик кулоллар - Шариф Азимов, Худойберди Ҳақбердиев, Самарқанд кулолчилик санъатига катта ҳисса қўшиб келаётган Ҳайдар Ботиров, Нўмон Облоқулов, Дилором Мухторова каби усталар ўзига хос кулолчилик мактаби яратишган, ўнлаб шоғирдлар тайёрлаган. Уларнинг кулолчилик маҳсулотлари хорижнинг бир неча мамлакатларида ўтказилган ҳунармандчилик кўргазмаларида намойиш этилган.

Шу жиҳатдан ушбу қарор ижросига кўра, Самарқанд кулолчилигининг узоқ тарихи, ажойиб аънавалари, шакл ва мазмуни билан боғлиқ жараёнлар давом этади. Муҳими, Самарқанд кулолчилик мактабини янада ривожлантиришга, ёшларимизнинг бу ҳунарга қизиқишини орттиришга, кўплаб кулолчилик марказлари бунёд этилишига, миллий қадриятимиз бардавом бўлишига хизмат қилади.

Умид ҲАКИМОВ, "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Президентимиз томонидан 2021 йил 23 мартда қабул қилинган "Кулолчиликни жадал ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳа ривожини учун айна мудабо бўлди. Қарорга кўра, кулолчилик аънаваларини янада ривожлантириш, "Уста-шоғирд" аънаваларини сайқалантириш, маҳсулотларини ички ва ташқи бозорга чиқариш борасида жуда кенг имкониятлар эшиги очилди. Қарор кулолчилик маҳсулотларини яратувчи ҳунармандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, "Уста-шоғирд" аънаваларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Жумладан, кулолчилик йўналишида зарур

хомашё базасини яратиш, кулолларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш, қулай шартларда кредитлар ажратиш, худудларда кулолчилик аънаваларини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида ихтисослашган марказлар ва галереялар ташкил этиш, кулолчилик фаолияти билан шугулланаётган ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва шу асосда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилган.

Қарорда 2021-2022 йилларда Самарқанд шаҳридаги Сиеб канали ўнг ёқасида, Оби Раҳмат маҳалласида кулолчилик марказлари ташкил

XXI асрга келиб жаҳонда илм-фан жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг сўнгги натижалари эса тезликда бевосита ишлаб чиқариш жараёнига жорий этилмоқда.

Учинчи РЕНЕССАНСДА фалсафа илмига эҳтиёж ортади

Бундай ҳолатнинг вужудга келиши илм-фан билан ишлаб чиқариш жараёни ўртасидаги диалектик муносабатларни тўғри ва теран англаб олишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида илм-фани таракқий эттириши ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган юқори малакали мутахассисларнинг янги авлодини тайёрлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда.



Бу вазифани фундаментал фалсафий назария заминига қўрилган таълим тизимига бажариши мумкин. Таълим тизimini ривожлантирувчи фанлардан бири таълим фалсафасидир. Бу ўз навбатида мамлакатимизда Учинчи Ренессанснинг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун "маёқ" вазифасини ўтайди.

Глобаллашув шароитида таълим жараёнининг шиддатли кечиши, уни Учинчи Ренессанс йўлида хизмат қилдириш таълим фалсафасига бўлган эҳтиёжни тобора орттиради. Таълим фалсафасига бўлган эҳтиёж ўз вақтида қондирилмас экан, мавжуд таълим Учинчи Ренессансга интилишдан маҳрум бўлиб, ҳаётдан орқада қолиб кетади. Охир-оқибатда жамиятнинг изчил ривожланишига тўқсизлик қилиб қолади.

Учинчи Ренессанс – бу мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ўз ақлий ва жисмоний қобилиятларини эркин ривожлантириш натижасида илм-фан, адабиёт ва санъат, маънавият ва маърифатнинг юқори даражада шаклланган давридир. Бунда энг асосий омил инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, моддий ва маънавий манфаат ва эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир. Демак, бунда жамият Учинчи Ренессанс сари қанчалик тараққий топса фалсафа илмига бўлган эҳтиёж ҳам шунчалик ортиб боради.

Жўрабой ЯХШИЛИКОВ, Самарқанд давлат университети фалсафа фанлари доктори, профессор.



50 йилдан бери бирга

Нуробод тумани Олға қишлоғида яшовчи фахрий қорвадор Эргаш Қаршиев умр йўлдоши Ойсифат ая билан эллик йилдан буён аҳил турмуш кечириб келмоқда. 10 нафар ўғил-қизни тарбиялаб, ҳаммасини ўқимишли қилди. Ҳозир улар эл хизматида.

Маҳалланинг фахри ҳисобланган Эргаш ота бир умр қўй боқиб обрў қозонди. Кўксини орден, медаллар бегади. Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон қуёши «таъми» акс этган фильм

Ўзбекистон кинематография агентлиги Россиянинг "Спутник Восток Продакшен" кинокомпанияси билан "Қуёш таъми" фильмини суратга олиш бўйича ҳамкорлик меморандумини имзолаган эди.

Ушбу фильм Самарқанд шаҳрида ҳам тасвирга олинди. Жараён Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Улуғбек расадхонаси, Афросиёб харобалари, Сиеб бозори худудидан олиб борилди.

Мазкур фильмдан ташқари, Россияда ижод қилиб келаётган ўзбекистонлик таниқли актёр Фарҳод Маҳмудовнинг Ўзбекистон кинематография агентлиги билан ҳамкорликдаги "Пари совгаси" фильми рус киноижодкорлар билан ҳаммуаллифликда суратга олинган, дейди фильмнинг Ўзбекистондаги ижрочи директори Сайёра Худойбердиева. - Ҳозирда фильмни Хива шаҳрида тасвирга олиш лари тугалланмоқда.

"Қуёш таъми" саргузашт жанридаги, оилавий томоша қилинадиган кино. Утган йили биз Москвада бўлдик, улар бу

ерга келишди. Умумий шароитларни ўргандик. Ва келишувга кўра, асосий тасвирлар Ўзбекистонда суратга олинадиган бўлди. Фильм продюсери Александр Кессель юртимизда бўлганида, қуёшнинг ўзига хос таъми борлигини хис қилди. Эрта тонгда қуёшнинг чиқиши ва ботиши ижодкорларда ўзига хос таассурот қолдирди ва фильм "Қуёш таъми" деб номланди. Россиялик ижодкорлар фильмини дастлаб Уралда суратга олишмоқчи бўлган. Ва номи "Дарё" эди. Фильм қаҳрамонлари бобо ва набира Бухоро амирининг ҳазинасини излаб, Самарқанд, Тошкент вилоятида бўлишди. Ҳатто Регистон майдонидagi мадрасалардаги нақшлардан ҳам хикमत излайди.

Фильм премьерасини жорий йилнинг учинчи чорағида ўтказишни режалаштирганмиз.

Бош роллар россиялик киноактёрлар Александр Ильин, Андрей Мерзликин, ўзбекистонлик актёрлардан Мухаммадиси Абдулхайров, невага образи ёш дебютант Камола Усмонова ва россиялик ёш актёр Леонид Басов томонидан ижро этилади.

Севинчбону АСРОРОВА, СамДЧТИ талабаси.

Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби концерт залида вилоят "Мақом" ансамблининг иккинчи ҳисобот концерти ўтказилди.

Самарқанд "Мақом" ансамбли куйлари томошабинлар қалбини забт этди

Концерт дастуридан Самарқанд мақом санъатининг ўлмас, мумтоз наволари, шашмақом, бузургоний куйлари ўрин олди.

Жамоамиз республикадаги энг ёш ижрочилардан таркиб топган, дейди ансамбл бадиий раҳбари Абдунаби Тўхтаев. - Утган йили карантин сабаб концерт бера олмадик. Аммо ансамблимиз изланишдан, янги мақом куйларини ўрганишдан, унутилаётган тароналаримизга қайта жон бағишладан тўхтагани йўқ. Туманларда жонли ижрода концерт дастурларини намойиш этдик. Одамларнинг мумтоз куйларимизни берилиб тинглашини кўриб, бугун ҳам унга эътибор юксаклигидан, эшитадиганлар кўплигидан қувондик. Бугун устозларимиз, хонандалар, санъат ихлосмандлари учун икки йиллик изланишларимиз маҳсулини намойиш этдик.

Ҳисобот концертида Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва Ўзбекистон халқ ҳофиси Сойибжон Ниёзовлар ўз тароналари билан иштирок этди. Насиба ЖОНТЎРАЕВА.

Поранинг қилмиши

Ҳаётда хато қилмайдиган одам йўқ. Ҳаммамиз ҳам хато қиламиз. Илло, яратганинг талабига мос, мукамалликка эришиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай хислат камдан кам одамларгагина ато этилади ва унда қалб поклиги, гўзаллиги мужассам бўлади.

Яшириб нима қиламиз, «ичинг покми, нопокми – бунинг нима аҳамияти бор? Яхши яшасанг, басда! Бу ҳаётга бир марта келсан, жўра, яхши яшаб қол. Қалбни поклаш, ҳалоллик булар аҳмоқона сафсатадан ўзга ҳеч нарса эмас. Илмининг қилиши нима-ю, тоза бўлмади нима» дегувчилар бор.

Яна бир тоифадагилар эса «юраги тоза, оқкўнгли одам кўнгли бўш, йиғлоқи бўлади. Эсда тут, ўвв,

оқкўнгли, кўнгли бўшлар тошбағирларнинг «емиши» бўлади» деган фикрга ёпишиб олган.

...Очигини айтсак, кўпгина раҳбарлар айнан мана шу танловда хато қилишади ва «Давринг келди уриб қол, суриб қол» қабилдаги илмсизларча, эски замон тушунчаларига маҳлиё бўлиб, беихтиёр тўғри кетаётган йўлларида озби, шармандали аҳволга тушиб қолишади, жиноят кўчаси томон оёқ босишганини билмайдилар. Нотоза қалб нафақат инсонни

жиноятга бошлайди, агар у хастахол бўлса, нобуд ҳам қилади.

Бир пайтлар шаҳар ИИБ жиноят кидирув бўлимининг бошлиғи Ражаб Набиевнинг илтимосига кўра, жиноятчи ва маҳкумлар камера-сида оғир аҳволда қолган беморни тиббий кўриқдан ўтказишига тўғри келди.

Камера анчагина катта бўлишига қарамай маҳбусларга тўла эди. Хона зах, шовқин-сурон, ичкари сигарета хидига тўлиб кетган, бадбўй, нафас олиб бўлмади. Бу ерда бемор туғул, соғлом одамнинг жон сақлаши амри-маҳол.

Маҳбус – бошлик, шахсий кабинетда пора олаётганида қўлга олинган экан. Салобатли бу кишини яхши танирдим, тўйларига ҳам боргандим. Ута бой-бадавлат, беписанд, димогдор тутарди ўзини.

Унинг ҳозирги оғир, ночор, касалманд, бужмайган аҳволи – руҳиятига

қараб сор бургутнинг қарға-қузғуну йирткич қушлар камалган сассик қафасдаги аянчли аҳволини хис қилдим. Пора ҳумори ва ҳузуридан пул санаб лаззат олаётганимизда нега шу дахшатлар ҳақида ўйламаймиз-а?!

Бемор дув-дув кўз ёши тўкарди... Кўрик туғгагач, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг ҳеч ҳам илложи йўқлигини пайқаб «началник»ка хулосамни айтдим.

Шунчаки «пора олиш» эмас эди бу! Мана инсон йўлдан озишнинг аянчли оқибати. Нимаси кам эди бу бошлик одамнинг ахир?!

Ажабо, қайси бир жонзот ахир тинчгина, тўкин-сочин, хотиржам уясида чиқа солиб йирткирчининг уясига кириб борар экан, қайси бири?! Ҳожилият деганлар шуми? Шоир айтганидек: Нафс қуйида жаҳолатга ботаман, Ажал билан бир тўшақда ётаман. Муродим УМРЗОҚОВ.



Мустақиллик йиллари Самарқандда

2005 йил, январь

Эрон Ислом Республикаси вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф раҳбарлигидаги делегация Самарқандда бўлди.

Ургут туманида кир ювиш кукучини ва турли хилдаги совунлар ишлаб чиқарувчи "Арфа экспорт" Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси фаолият бошлади.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Жанубий Кореянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан компьютер маркази очилди.

февраль

Жомбой туманида грециялик саноатчилар билан ҳамкорликда ип, газлама, тўқимачилик маҳсулотлари ва пахта толасини қайта ишловчи, "Jambaytex" корхонаси иш бошлади.

март

7 март куни Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф республика Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Каттақўрғон шаҳридаги "Пахтамаш" акциядорлик жамияти Россиянинг "Алтай" трактор заводи билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Оқдарё туманида тез тиббий ёрдам маркази ишга туширилди.

май

Жомбой туманида қурилиш хомашёлари ишлаб чиқарувчи "Сканмикс-Самарқанд" Ўзбекистон-Финляндия қўшма корхонаси иш бошлади.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

14 МАЙ

Тошпўлат САФАРОВ – 1953 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Техника фанлари доктори, профессор.

15 МАЙ

Элибой ҚОРАБОЕВ – (1917-1989) Иштихон туманида туғилган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қаҳрамон.

Абдусайд КЎЧИМОВ – 1951 йилда Ургут туманида туғилган. Журналист, шоир.

16 МАЙ

Нуриддин ШУКУРОВ – (1930-1995) Самарқанд туманида туғилган. Филология фанлари доктори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

20 МАЙ

Облоқул УСМОНҚУЛОВ – 1938 йилда Пайарик туманида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

Газетанинг навбатдаги сони 2021 йил 18 май, сешанба кун чоп этилади.

Footer containing Zarafshon newspaper information, contact details, and a barcode with ISSN 201667X.